

Лайлак билан тулки дўст бўлган экан. Кимматчилик вакти келиб, иккиси бола-чакаси билан оч колибди. Бир кун лайлак тулкига:

— Тулкибой, сен уйга караб ўтири. Мен учиб бориб ўзимизга ва болаларимизга овкат топиб келай, — дебди.

Тулки рози бўлиб, уйда болаларга караб колибди. Лайлак овга кетибди.

Тулки уйда ўзининг ва лайлакнинг болаларига караб ўтираверибди, орадан беш кун ўтибди, етти кун ўтибди, лайлакдан дарак бўлмабди. Тулкининг корни нихоятда очиб, холидан кетай деб колибди, очдан ўлар холга келибди. Тулки у ёк-бу ёкка караб, хеч ким йўклигидан фойдаланиб, лайлакнинг битта боласини таппа босиб еб кўйибди.

Болани еб бўлгандан кейин караса, лайлак икки тошбака, бешта курбака, икки илонни кўтариб олиб, овдан келяпти. Тулки айтибди:

— Эй аттангг-а, бир кун карасам бўлар экан, дўстим анча озик олиб келар экан, нима деб жавоб бераман, —деб йиглай бошлабди.

Лайлак уйга келса тулки дўсти йиглаб ўтирган эмиш. Лайлак:

— Эй тулки дўстим, нега йиглайсан? — деб сўрабди. Тулки йиги аралаш:

— Хай, хай лайлак дўстим, бўйни узунжоннинг бири касал бўлиб ўлиб колди, шунга йиглаяпман, — деб суякларини кўрсатибди.

Лайлак хафа бўлибди. Йиглабди ва боласини олиб, бошка ёкка учиб кетибди.